

## Ўзбекистон Республикаси номидан Ҳ У К М

2022 йил июнь ойининг 14 кунини жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар суди, Андижон вилоят Транспорт бошқармаси биносида, очиқ сайёр суд мажлисида раислик қилувчи судья С.Расулов, судья ёрдамчиси И.Абдуллаевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Андижон шаҳар прокурорининг ёрдамчиси У.Низомидинов, судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси О.Раззаковнинг иштирокида, жабрланувчи И.Муминовнинг қатнашувида [REDACTED] га оид 1-1701-2204/487-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра,

[REDACTED] ( [REDACTED] ), 1973 йил 13 июнда Андижон шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 2-гуруҳ ногирони, муқаддам 5 марта:

1. ЖИБ Наманган вилояти судининг 1999 йил 3 августдаги ҳукмига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;
2. ЖИБ Андижон шаҳар судининг 2016 йил 25 мартдаги ажрими билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддаси асосида тугатилган;
3. ЖИБ Андижон шаҳар судининг 2016 йил 11 октябрдаги ҳукмига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан 2-йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;
4. ЖИБ Андижон шаҳар судининг 2018 йил 9 январдаги ҳукмига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси 2-қисми “е” банди билан ЖКнинг 57,60,61-моддалари тартибида 4 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ЖИБ Навоий шаҳар судининг 2019 йил 26 августдаги ажрими билан ўталмай қолган 2 йил 5 ой 13 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси ЖКнинг 74-моддасига асосан шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига



алмаштирилиб, ЖИБ Андижон шаҳар судининг 2020 йил 30 апрелдаги ажрими билан 2-гурухи ногирони экани сабабли, ЖКнинг 75-моддасига асосан 2 йил 5 ой 13 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан озод қилинган, ишламайди, [REDACTED] да яшайди, муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2022 йил 23 майда олган ўз вақтида олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан айбланган. Суд, судланувчини ва жабрланувчини кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

#### а н и қ л а д и:

Судланувчи [REDACTED] 2022 йил 26 март куни соат 19 ларда ўзининг Андижон шаҳар 1-кичик даҳа, 37-уй 46-ҳонадонида қўшниси И.Муминов билан спиртли ичимлик истеъмол қилиб, ўзаро гап тортишиб жанжаллашиб, яшаш хонадонидаги хўжалик пичоғи билан И.Мўминовни тўш соҳасига бир марта қасддан уриб, суд-тиббий экспертизасининг 07.04.2022 йилдаги 1669-сонли ҳулосасига кўра, кўкрак қафаси олд юзаси тўш пастки қисмида кўкрак қафасига тешиб ўтмаган санчиб кесилган енгил тан жароҳати етказган.

Судланувчи [REDACTED] судда айбига тўлиқ иқроп бўлиб, 2022 йил 26 март куни соат 19 ларда Андижон шаҳар, 1-кичик даҳа, 37-уй 46-ҳонадонида қўшниси И.Муминов билан ароқ ичишиб маст бўлиб, бир-бирига ёқмайдиган гаплар қилиб жанжаллашиб кетишганини, шунда И.Муминовни камроқ гапиришини айтиб, стол устида турган хўжалик пичоғи билан уни бир марта уриб юборганини, сўнг у уйдан чиқиб кетганини, ортидан қувмаганини, уни ўлдириш мақсади бўлмаганини, қилмишидан пушаймонлигини, 2-гурух ногирони эканини билдириб, енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи айбига тўлиқ иқроп бўлиб берган кўрсатувидан ташқари унинг содир этган жиноий ҳаракатлари судда текширилган далиллар, жумладан:

**Жабрланувчи И.Муминовнинг судда,** 2022 йил 26 март куни соат 19 ларда [REDACTED] нинг уйида ароқ ичиб ўтиришиб маст бўлиб, бир-бирига ёқмайдиган гаплар қилиб, жанжаллашиб кетишганини, шунда [REDACTED] камроқ гапиришини айтиб, пичоқ билан тўш соҳасига бир марта уриб юборганини, сўнг у ердан кетиб юборганини, ўзига келганида шифохонада эканини билганини, [REDACTED] га ҳеч қандай даъвоси йўқлигини билдириб берган кўрсатуви билан;



Юкорида қайд этилганлардан ташқари, суд-тиббий экспертизасининг хулосаси билан, шунингдек суриштирув-тергов жараёнида тўпланган бошқа ёзма далиллар мажмуи билан ҳам судланувчини айби тўла ўз исбот ва тасдиғини топади.

Суд, судланувчи [REDACTED] нинг ижтимоий ҳавфли қилмишлари квалификацияси масаласини муҳокама қилиб, унинг ҳаракатларида қасддан баданга енгил шикаст етказиш жиноят аломатлари ўз исбот ва тасдиғини топгани сабабли, унинг ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан квалификация қилишни;

Суд, [REDACTED] га жазо тайинлашда, муқаддам қасддан содир этган жинояти учун судланиб, ғаразли ва паст ниятларда қасддан янги жиноят содир этганини, жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб топиб, қилмишидан пушаймонлигини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, унга мазкур жиноят учун қонун санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазоси тайинлашни;

Жабрланувчининг моддий ва маънавий даъвоси йўқлигини инобатга олишни;

Ашёвий далил деб эътироф этилган бир дона хўжалик пичоғини йўқ қилишни лозим топади.

Бинобарин суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 460-463, 465-468, 471,473-моддаларига асосан

### ҲУКМ КИЛАДИ:

[REDACTED] ( [REDACTED] )  
Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

[REDACTED] га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан 1 (бир) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

[REDACTED] га жазони ўташ муддати давомида яшаш хонадони ҳисобланган Андижон шаҳри, 1-кичик даҳаси, 37-уйнинг 46-хонадонидан сутканинг соат 19:00 дан 07:00 га қадарли чиқиши чеклансин.

Бундан ташқари унга қуйидаги қўшимча тақиқ (чеклаш) юклансин:

-маҳкумни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;

-Андижон вилоят ҳудудидан ташқарига чиқмаслик;

-спиртли ичимликлар истеъмол қилмаслик ва спиртли ичимликлар сотиладиган жойларга бормаслик;

-ёнида тиғли буюмлар сақламаслик;

[REDACTED] га жазони ўташдан бўйин товлаган тақдирда, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги тушунтирилсин.

Жазони ижро қилиш ва судланганни хулқи устидан назорат олиб бориш Андижон шаҳар ИИО ФМБ зиммасига юклатилсин ва жазони ўташ



муддати маҳкум жазони ижро этиш инспекциясида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Жабрланувчининг моддий ва маънавий даъвоси йўқлигини инобатга олинсин.

Ашёвий далил бир дона хўжалик пичоғи йўқ қилинсин.

Хукмдан норози тарафлар ҳукм эълон килинган кундан, судланувчи ва жабрланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, 20 сутка ичида шу суд оркали Андижон вилоят судига апелляция тартибида шикоят ёки протест келтиришга ҳақлидирлар.

**Раислик килувчи**

**С.Расулов**

